Саудия Арабистони подшолиги Вақф фондига 20 000 нусхада Қуръони Карим ҳадя қилди

Image not found or type unknown



09:00 / 07.05.2021 2735

Жорий йилнинг 6 май куни Саудия Арабистони подшолигининг мамлакатимиздаги элчихонаси вакиллари ҳамда Вақф хайрия жамоат фонди раҳбари Яҳё қори Убайдуллоҳ ўғли ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Учрашув пойтахтимиздаги «Ҳазрати Имом» мажмуасидаги «Мўйи муборак» музейида ташкил этилди. Дастлаб меҳмонлар музейда жойлашган «Ҳазрати Усмон мусҳафи»ни зиёрат қилишди.

Шундан сўнг томонлар ўзаро ҳамкорлик ва бирдамликда қилинаётган хайрия тадбирлари ҳақида сўз юритишди.

Тадбир давомида элчихона вакиллари Саудия Арабистонида чоп этилган Қуръони каримнинг 20 000 нусхасини Вақф хайрия жамоат фондига

беғараз тақдим этди.